

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

4-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Д. Анваров	
“Бобурнома” асарида Эсан Давлатбегимнинг Фарғона водийси жараёнларидаги тасвири..	167
М. Жўраев	
Ўрта Осиё туркий халқлари астромифологиясида оқбўзот ва қўқбўзот юлдузлари.....	170
З. Раҳимов, Д. Гуломов	
Романда ассоциатив сюжет.....	174
М. Ғаниев	
Ўзбек насрида тарихий роман генезиси ва ривож.....	176
М. Хамидов	
Романларда Машраб образи билан ёндош тарихий шахслар	180
Р. Умурзаков	
Мумтоз адабиёт намуналарида бола образи ва давр руҳи	186
И. Саймуратова	
Исажон Султоннинг “Боқий дарбадар” романида бош қаҳрамон масаласи	190
Д. Тўраева	
Бадиий ижодда онгли ва интуитив ҳолатлар	195
Н. Бўриева	
Уилям Шекспир сонетларининг бадиий хусусиятлари.....	200
Н. Ҳамраев	
Нодавлат телеканаллар медиамаҳсулотлари номланишининг ўзига хос хусусиятлари	204
Х. Убайдуллаев	
Турли тиллардаги фразеологизмларнинг эквивалентлари ҳақида	208
М. Батирханова	
Соматик фразеологизмларнинг таснифлаш масаласига доир.....	211
Ш. Хасанова	
Расмий иш услубининг лексик ва фразеологик хусусиятлари.....	214
Г. Турдиева	
Лингвокультурология замонавий лингвистик таълимот сифатида.....	217
Л. Галимуллина	
Инглиз тилида фразеологик бирликларда учрайдиган қимматбаҳо тошлар ва металлларнинг рамзий аҳамияти.....	221
Н. Гофурова	
Инглиз ва ўзбек тилларида қурилиш терминларининг структурал - семантик таснифи	226
У. Маҳмудова	
Тилшуносликда реклама мустақил дискурс сифатида	229
З. Акбарова	
Концепт ва лисоний онг	233
З. Тожиматова	
Ўзбек адабиётидаги илк аёл ижодкорлар ва уларнинг ўрганилиши.....	235
Х. Хусамбоева	
Умумий ўрта таълим муассасаларида таълим сифатини оширишда рейтинг индикаторларининг аҳамияти	238
	ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ
Адабиётимиз фидойиси	241

And captivate good attending captain ill:
Tired all these, from these would I be
gone,
Save that, to die, I leave my love alone.
[6, 226-б.]

- Буларнинг баридан чарчаб, оромбахш ўлим истаб йиғладим;
 - Қадр-қиммат қашшоқ ҳаётга ҳукм қилинган;
 - Ва нокас вақтихушлик билан банд;
 - Ва чин эътиқод ёвуз ёлғон учун рад этилган;
 - Ва иззат-обру шармандаларча олтинга сотилади;
 - Ва эрсиз саҳоват қуполлик билан топталган;
 - Ва чин мукамаллик ноҳақ камситилган;
 - Ва куч оқсаш ва кучсизлик билан мажруҳлашган;
 - Ва санъат ҳокимият манфаатига хизмат қилади;
 - Ва аҳмоқлик ақлли кўриниш билан билимни бошқаради;
 - Ва тўғрилиқ (ростгўйликни) аҳмоқлик деб аташади;
 - Асирдаги Яхшилиқ тантана қилувчи Ёмонликка хизмат қилишга мажбур;
(66-сонет сўзма-сўз таржима)
- Сонетда дунё даҳшатли суратда гавдаланади. Лирик қаҳрамон ҳамма

яхшилиқлар - бузилган, ташлаб кетилган, унутилган, озодликдан маҳрум этилган, яъни ёмонлик таъсирида ўзгарган. Ёвузликнинг кундалиқ ҳаётдаги кўриниши (қашшоқлик, олтин, фаҳш), шунингдек дунёвий кўриниши (нокасинг тантанаси, ёвуз ёлғон, ҳукуматга бўйсунмиш). Бундай оламда яшаш шоир учун шунчаки қийинмас, буни иложи йўқ. лекин у ҳамма бахтсизликлар ва ўлимдан ҳам кучли Муҳаббати учун тирик қолади.

Шекспирнинг сонетлар муаллифи сифатида ўзига хослиги воқеликка - табиатга ва кундалиқ ҳаётга аксар ёндашишида яққол намоён бўлди, бироқ айна дамда инглиз шеъриятида унинг ўтмишдошлари ва замондошлари кўп сўзамонликка эга эдилар. Шекспир ҳам сонетларида юксак шеърий санъатларни қўллаган, аммо унинг энг яхши сонетлари жонли воқелик билан уйғунлашган.

Шеъриятнинг гўзал қирраларидан бири унинг ёрқин тимсолидир. Инглиз Уйғониш даври ва хусусан Шекспир шеъриятининг мажозий тизимининг асоси метафорикадир. Уйғониш даври шеърият назарияси, объектни шунчаки номлаш ёки уни тўғридан-тўғри таърифлаш мумкин эмас, деган хулосага келди. Ҳар бир фикр, воқеа, тажриба бир объектни бошқасига таққослаш орқали ифодаланиши керак эди. Бунга ёрқин мисол Шекспир сонетлари бўлди.

Адабиётлар:

1. Липгарт А.А. К проблеме интерпретации шекспировских сонетов // Философия языка. Функциональная стилистика. Лингвопоэтика: Сборник научных статей. М., 2004. - №2. - С. 115-129.
2. Одилова Г. Шекспир сонетларининг сири // Жаҳон адабиёти, 2008. 8-сон. 204-209 б.
3. Холбеков М.Н. Шекспир бепоён.../ Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2009, 27 февраль.
4. Шекспир У. Сайланма. 3 жилдлик. /Сўз боши муаллифи И. Ҳаққул. Инглизчадан Ж. Камол таржимаси. – Т.: Фан, 2007 -2008.
5. William Shakespeare. The Sonnets and Lover's Complaint. Ed by John Kerrigan, Penguin Books, London, 1999.

(Тақризчи: А.Сабирдинов – филология фанлари доктори)

УДК: 654.197(470)(09)

НОДАВЛАТ ТЕЛЕКАНАЛЛАР МЕДИА МАҲСУЛОТЛАРИ НОМЛАНИШНИНГ ЎЗИГА
ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

ОСОБЕННОСТИ НАЗВАНИЯ МЕДИА ПРОДУКЦИИ НЕГОСУДАРСТВЕННЫХ
ТЕЛЕКАНАЛОВ

CHARACTERISTICS OF NAMING OF MEDIA PRODUCTS OF NON-STATE TV
CHANNELS

Н.Ҳамраев¹

¹ Н.Ҳамраев

— ЎзМУ таянч докторанти.

Аннотация

Мақолада нодавлат телеканалларда ташкил этилаётган кўрсатувларнинг номланишида давлат тили қоидаларига эътибор берилиш ҳолати, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими билан боғлиқ айрим хулосалар баён қилинган.

Аннотация

В статье представлены некоторые заключения о внимании, правилам государственного языка при наименовании программ на негосударственных телеканалах, выявлены существующие проблемы и изложены некоторые выводы по их решению.

Annotation

The article describes the conditions of attention to the rules of the state language in the naming of programs on non-governmental TV channels, the existing problems and some conclusions about their solutions.

Таянч сўз ва иборалар: кўрсатувлар, шоу, журналист нутқи, тил, миллий қадрият, нодавлат телеканал, давлат тили, адабий тил меъёрлари, ўзлашма сўзлар, миллий атама, муқобиллик.

Ключевые слова и выражения: передача, шоу, журналистская речь, язык, национальные ценности, негосударственный телеканал, государственный язык, нормы литературного языка, национальный термин, альтернатива.

Keywords and expressions: shows, show, journalistic speech, language, national values, non-state television, state language, literary language norms, loan words, national term, alternative.

Мамлакатда обрўси кундан-кунга тушиб кетаётган, қўлланилиш доираси тобора торайиб бораётган ўзбек тилининг нуфузини ошириш борасида Президентимизнинг 2019 й 21 октябрдаги 5850-сонли Фармони тарихий қадам бўлди. Мазкур Фармоннинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, тилимиз шу кунга қадар қаровсиз бўлиб келди, яъни унинг давлат тили сифатида амал қилиши анча кечикди. Чунки мазкур соҳага масъул шахслар ва ташкилот бўлмади. Айнан республика миқёсида иш юритилиши, шунингдек, номлаш, давлат тили бўйича тасдиқланган меъёрий ҳужжатларга амал қилиш масалаларида оқсаш бўлди. Жамиятнинг тил соҳасига алоқадор аъзолари томонидан тил қоидаларининг бузилиши фақат таъкидланди, холос. Тилни ривожлантириш, унинг қўлланилишини, юритилишини назорат қилишнинг имкони бўлмади.

Фармонга асосан ўзбек тилини давлат тили сифатида ривожлантириш, уни ҳимоя қилиш, амал қилишини таъминлаш билан шуғулланувчи Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти ташкил қилинди. Бошқариш алоҳида кўникма ва малакаларни талаб қилади. Давлат тилини ривожлантириш, режаларни амалга ошириш, камчиликларни тўғрилаш учун қонуний асослар керак эди. Буларсиз бирор самарали фаолият олиб бориб бўлмас эди. Шунинг учун Департамент асосий Қонун ва қарорларни ишлаб чиқиб, уларни амалиётга ҳам жорий қилиб қўйди. Ўзбек тили ва адабиёти муаммоларига доир тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, атамашунослик қўмитасини ташкил этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ўз вақтида ишлаб чиқилди, шунга мувофиқ бугунги кунда республикада давлат тилида иш

юрителишини таъминлаш бўйича бир қатор ишлар олиб борилмоқда.

Бу борада оммавий ахборот воситаларининг олиб бораётган ишлари қониқарли эмас. Айниқса, хусусий теле- ва радиоканалларда ўзбек адабий тилига зид бўлган сўзлар фаол қўлланмоқдаки, бу ҳам ўзбек тили тараққиётига, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ келмайди, миллионлаб томошабинларни ўзига жалб қилиб турган нодавлат телевидениелар тилдан фойдаланишда кўплаб хатоликларга йўл қўймоқда. Томошабинлар орасида мактаб ўқувчиларининг борлиги уларнинг она тилига бўлган муносабатларига жиддий салбий таъсир кўрсатмоқда. Зеро, Президентимиз Ш.Мирзиёев “Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз” [1.14], деб таъкидлаши мамлакатимиз ёшларининг ўзбек тилида ўз фикрини оғзаки ва ёзма равишда эркин ҳамда саводли баён қила оладиган мустақил фикр соҳиблари этиб тарбиялашдек муҳим вазифаларни кўяди.

Мамлакатимизда атамалар масаласи долзарб бўлиб турибди. Шу нуқтаи назардан мазкур мақолада нодавлат телеканаллардаги кўрсатувларнинг номланишлари, уларнинг давлат тили ҳақидаги меъёрий ҳужжатларга мослиги масаласига эътибор қаратилади. Ўзбек тилининг она тили ва давлат тили сифатида нуфузини оширишга, уни ривожлантиришга барча шароитлар яратилди.

Кўрсатувнинг номланиши миллий бўлмаса, у томошабин маънавиятига қандай таъсир қилади. Масалан, “**Аристократлар**” шоу кўрсатуви мазмун-моҳиятига деярли мос келмайди. Ёки “**Cover up**” дастурининг номланиши. Ўзбек тили хориждан кўчириб олинаётган бундай кўрсатувларни миллий номлаш қудратига эга. Жуда кўплаб кўрсатувлар бошқа тилларда, асосан, инглиз тилида номланишида қандай ҳикмат бор? Телетомошабинларнинг аксарияти бу сўзларнинг маъносини билмайди, ҳатто кўрсатувга таклиф қилинган меҳмонлар ҳам ҳатто. Бу борада қатъий тартиб ишлаб

чиқилиши лозим.

Ўзбекистонда ҳам ОАВни ривожлантиришга оид ҳуқуқий асосларнинг мустақамланиши ва уларнинг ҳукумат томонидан қўллаб-қувватланиши боис сўнги йилларда нодавлат ОАВ, жумладан, нодавлат телеканаллар пайдо бўлди ва улар қисқа фурсатларда рақобат бозорида ўз ўрнини эгаллаб улгурди. Дастлаб турли вилоятларда нодавлат телерадиоканаллар ташкил этилган бўлса, сўнги йилларда бутун республикага эфир узатиш имкониятига эга бўлган телеканаллар пойтахтнинг ўзида ҳам пайдо бўлди. Бироқ, телеканалларнинг иш юритиши давлат тили талабларига жавоб бермайди, натижада кўрсатувларнинг сифатига жамиятнинг зиёли кишилари томонидан жиддий эътирозлар билдирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015-йил 8-ноябрдаги “Мустақил телерадиоканалларни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони [2,8] билан мустақил телерадиоканалларни янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш, ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, аҳоли ҳамда жамиятнинг ҳар томонлама холис ахборотга бўлган талаб-эҳтиёжларини қондиришда мамлакатимизнинг электрон оммавий ахборот воситалари ролини оширишда ҳам нодавлат телеканалларнинг хизматлари алоҳида бўлмоқда. Бундай шароитда барча фаолиятда биринчи мезон сифатида ходимларнинг давлат тилини билиш даражаси, ўзбек тилининг нуфузини оширишга бўлган иштиёқи, тилга муносабати белгиланиши керак. Ҳар бир мутахассис, айниқса, раҳбар курсисида ўтирган шахслар она тилида ўз фикрини равон, лўнда ва аниқ ифодалай олиши лозим.[3: 19]

Бугун марказий телеканаллар орасида “Zo'rTV”, “My5”, “Milliy” ва “Sevimli” каби хусусий телеканаллар бор. Улар орасида “Sevimli” телеканали кейинроқ ташкил этилган бўлса-да, бугун ўзбек телеканаллари рейтингида юқори поғоналарни эгаллаб турибди. Бунинг сабаби шундан иборатки, телеканал ранг-баранг дастурларни омма эътиборига ҳавола қилиб келмоқда.

Томошабинларнинг диққатини тортиш учун яратилаётган янги лойиҳалар, ташкил

этилатган жозибали кўрсатувларнинг, аввало, номланиши эътиборни тортадиган жозибадор бўлиши керак. Бошқа хусусий телеканалларга солиштирганда "Севимли" каналидаги дастурларнинг номлари адабий тили меъёрларига кўпроқ мос келади.

"Хонтахта", "Зирапча", "Оҳангҳрабо" каби кўрсатув номлари ўзбек миллий маданиятига, маънавиятига мос келади, бироқ **"Скейтшоу", "Ковер ап"** каби давлат тили талабларига тўғри келмайдиган, ажнабий номланишлар ҳам учраб туради.

Кўрсатувларнинг баъзи номлари телеканал номидан келиб чиққанлигини кўришимиз мумкин. Жумладан, "Севимли кун", "Севимли овоз", баъзи номлар эса айнан кўрсатувнинг асл варианты хориз телеканалларда узатилганлиги боис номлари ҳам лойиҳа билан бир қаторда бизнинг менталитетимизга мослаштирилган. Мисол учун, Россия телеканалларида эфирга узатиладиган "Кухня" кўрсатуви "Ошхонада гаплашамиз" деб номланиб экран юзини кўрди.

"Sevimli" ўзбек телеканаллари ичида илк реалити шоулар тайёрлаб эфирга узатди. Ток-шоунинг янги, ўзига хос бўлган бу шакли жонлилиги билан ажралиб туради. Айнан мана шу жиҳат боис ҳам бундай реалити шоулар тез фурсатларда оммалашди. Телеканалнинг илк реалити шоуи **"Зирапча"** деб номланган ижобий ҳодиса. Лойиҳани бошловчи Райҳон Уласенова равон адабий тилда олиб боради. Юрист Жамила Тошмуҳаммедова, психологлар Азиза Тошхўжаева ва Шоира Исоқовалар эса фикр ифодалашда асосан шевадан фойдаланадилар. Бу, кўплаб томошабинларнинг энсасини қотиради, кўрсатувга иштиёқни камайтиради. Унда турли ижтимоий ва психологик муаммолари бор хотин-қизлар кўрсатувга таклиф қилинади ва маълум муддат улар билан мутахассислар иштирокида семинар-тренинглар олиб борилади. Уларни ҳаётга, касбга тайёрлаш чоралари кўрилади. Баъзан эса томошабин диққатини тортиш учун вазиятлар сунъий бўрттириб кўрсатилади. **"Зирапча"** лойиҳасининг номланиши луғавий жиҳатдан ҳам мазмун-моҳиятга кўра жамиятимизда ўз йўлини топишида қийналаётган оилавий ва турли сабаблар орқали боши берк кўчага кириб қолган қизларнинг кўнглига зирапчадек санчилиб

қолган тугунни олиб ташлашга қаратилган.

Бундан ташқари, "Ижарага энага" лойиҳаси орқали кўп фарзандли оилаларнинг болаларига бир кунлик оналик қилиш ғояси илгари сурилган.

"Тўйлар муборак" эса шу йўналишдаги иккинчи дастурдир. Унда бир нечта жуфтлик танлаб олинади. Тўйи бўлиш арафасида турган бундай ёшларга бир хил сумма берилади ва мана шу суммадан оширмаган ҳолда тўй ўтказиш шарт қўйилади. Тўйлардаги дабдабозлик ва исрофгарчиликнинг олдини олишни тарғиб қилишга қаратилган бу лойиҳа ҳам томошабинлар меҳрини қозонди. "Сахро" эса эркакларга мўлжалланган илк реалити шоу эди. Иштирокчилар бир неча кун қатъий талаблар асосида сахрода яшайди ва белгиланган маррага биринчи бўлиб етиб келиш учун мусобақалашади. Бу икки дастурда жараёнлар кадр ортидан изоҳланиб боради. Бу дастурларнинг ҳар бири янги форматда бўлгани боис томошабинларга манзур бўлди ва телеканалнинг ўз форматини яратишига муносиб ҳисса қўшди.

"Sevimli"нинг асосий томошабинини аёллар ташкил этади. Шу боис телеканал дастурлари орасида аёллар учун муҳим ва қизиқ бўлган мавзулардаги кўрсатувлар умумий дастурларнинг каттагина қисмини ташкил этади. Бундай кўрсатувларни номланишига ва мавзусига кўра бир неча турларга бўлишимиз мумкин:

1. Кулинар лойиҳалар: **"Менинг қайнонам генерал"** (Муаллиф ва бошловчи Муҳаббат Ҳамроева), **"Ошхонада гаплашамиз"** (бошловчилар Маъмур Холмедов ва Роксана Обидова), **"Саховат шоу"** (бошловчи Жамшид Ҳожиниёзов) каби;

2. Гўзалликка оид лойиҳалар: **"Бугун бошқачасиз"** (бошловчи Зилола Мусаева), **"Стилистлар жанги"** (иштирокчилар икки жамоа бўлиб белашишади) каби;

3. Хотин-қизларни оилага тайёрлашга оид лойиҳалар: **"Идеал она", "Келгинди келин"** (Рустам Саъдиев фильми, воқеалар кадр ортидан шарҳлаб борилади) каби;

4. Аёлларга психологик кўмак берувчи лойиҳалар: **"Қафасда", "Занжир", "Уйдаги гап"** (бошловчи Лазиза Азиззода) каби.

Шунингдек, телеканал дастурлари ичида маърифий дастурларнинг ҳам ўз ўрни бор. **"Ўзбегим"** (Насиба Иброҳимова ва